

Порто-Веккьодан шимоли-гарбга — оролнинг ичкарасига караб йўл олсангиз, анча тик кияликлардан кўтарилишга тўғри келади. Катта-катта харсангтошлар калашиб ётган, баъзи жойлари ўпирилиб кетган илон изи сўкмокдан уч соатлар чамаси юрсангиз, боши кети кўринмайдиган калин макига рўпара бўласиз. Маки — корсикалик чўпонлар билан конунга чап бериб юрганларнинг макони. Айтиш керакки, корсикалик дехкон далани ўгитлаш захматидан кочиб, ўрмоннинг бир четига ўт кўяди. Олов керагидан ортиқроқ жойни ёндириб юборса ҳам парвойига келмайди. Нега деганда, ёндирилган дарахтларнинг кули тушган ердан яхши хосил олишига ишонади-да. Бошоклар йигиб олинганидан кейин (сомони колаверади, уни йигиб олиш — машаккат), ер остида омон колган дарахт илдизларидан янаги бахорда навкирон новдалар кўкаради. Бир неча йил ўтиб, уларнинг бўйи етти-саккиз футга етади. Мана шу калин чакалакни маки дейишади. Маки — бир-бири билан айкаш-уйкаш бўлиб ўсган хар хил дарахтлардан иборат. Одам уларнинг орасидан кўлида болта билангина йўл очиб юриши мумкин. Баъзан эса шунака калин макилар бўладики, хатто олкорлар ҳам уларнинг орасидан ўтиша олмайди.

18... йилда Корсикага борганимда Маттео Фальконенинг уйи ана шу макидан ярим милча берида эди. У ўша ердаги ўзига тўк одамлардан эди. У сон-саноксиз подалардан келадиган даромад хисобига халол хаёт кечирарди. Унинг подаларини кўчманчи чўпонлар тогма-тоғ ўтиб юриб бокишарди. Мен уни учратганимда эллик ёшлар чамасида эди. Хозир мен сизга айтиб бермокчи бўлиб турган воқеа эса ундан икки йил бурун содир бўлган экан. Уни ўрта бўйли, лекин бакуват, жингалак сочлари корамойдай тим кора, кирра бурун, лаблари юпка, кўзлари тийрак, юзи ошланмаган терининг рангидаги бир одам деб тасаввур килаверинг. Бу ўлкада уста мерганлар кўп бўлади. Аммо Маттео милтикдан бехато отишда уларнинг хаммасидан ўтарди. Масалан, Маттео олкор овлаганда ҳеч қачон сочма ўк ишлатмасди, бироқ уни бир юзу йигирма кадам наридан истаса бошидан, истаса курагидан отиб, ер тишлатарди. Кундузи канчалик чапдаст бўлса, зим-зиё кечаси ҳам шунчалик бехато отарди. Менга унинг чапдастлигини кўрсатувчи бир воқеани айтиб беришган. Корсикада бўлмаган одамга бу муболагадек туюлиши мумкин. Ундан саксон кадам нарига — тарелкадай келадиган ялтироқ коғоз ортига шам ёкиб кўйишипти, у мўлжалга олипти. Кейин шамни ўчириб кўйишипти. Бир минут ўтгач, коп-коронгу тунда ўша коғозга каратиб ўк отибди. Шунда тўртта ўқдан учтасини коғозга тегизибди.

Ана шунака фавкулудда махорат Маттео Фальконени машхур қилиб юборди. Уни одамлар ҳам яхши дўст, ҳам хавфли ракиб хисоблашарди. Бироқ у дўстларидан жонини ҳам аямас, факирларга меҳру шафкат билан қарар, Порто-Веккьо вилоятида ҳамма билан инок, тинч-тотув яшарди. Айтишларига қараганда, у хотинини Кортодан олган экан, у ерда жангда шаддодлик, мухаббат бобида эса эпчиллик билан ном чиқарган хавфли ракибига шафкатсиз зарба берган экан. Маттеонинг милтигидан узилган ўк уни дераза ёнида осиглик турган кўзгуга караб турганида кулатган эмиш. Бу воқеа босди-босди бўлгач, Маттео уйланди. Хотини Жузеппа унга аввал учта киз тугиб берди (бундан Маттео роса даргазаб бўлган эди), кейин ўгил тугди. Унга Фортунато деб ном қўйишди. Бу номда оиланинг умиди ва уругнинг давомчиси деган маъно бор эди. Кизларини у яхши жойларга узатди: бирон хавф-хатар тугилса, ота куёвларининг ханжари ва милтиқларига таяниши мумкин эди. Ўғли эса энди ўнга кирган, лекин бўладиган бола экани хозирданок кўриниб колган эди.

Эрта куз кунларидан бирида Маттео сахарлаб молларидан хабар олиб келиш учун хотини билан макига жўнади. Кичкина Фортунато улар билан бирга бормокчи бўлди, бироқ яйлов анча олис эди. Ундан ташкари, уйни ёлгиз ташлаб кетиб бўлмасди. Шу сабабга кўра отаси уни колдириб кетди. Ота бу ишдан канчалар пушаймон бўлгани хикоямизнинг давомидан аён бўлади. Улар жўнаб кетишгандан кейин бир неча соат ўтди. Кичкина Фортунато офтобрўй жойда чўзилиб ётиб, мовий тоғларга тикилганича, янаги якшанба куни шахарга *caporali*² амакисиникига мехмонга боришини ўйларди. Тўсатдан янграган ўк овози унинг хаёлларини тўзгитиб юборди. У сапчиб туриб, ўк овози эшитилган сайхонлик томонга ўгирилди. Яна ўктин-ўктин ўк овози эшитилди. Отишма борган сари якинлашиб келарди. Нихоят, сайхонликдан Маттеонинг уйига олиб келадиган сўкмокда жулдур кийимли, соколи ўсиб кетган, тоғликлар киядиган учли калпок кийган одам пайдо бўлди. У хозиргина оёғидан ўк еган кўринарди. У порох олиб келгани кечаси шахарга кетаётиб, корсикалик вольтижерлар³ пистирмасига дуч келиб колган бандит⁴ эди. У жон-жаҳди билан отишиб, қоя-тошларни паналаб, кувиб келаётганларни бир амаллаб чалгитишга муваффақ бўлди. Бироқ солдатлар якин орада эди. У эса жарохати туфайли макига етиб боролмади.

У Фортунатонинг олдига келиб, сўради:

— Маттео Фальконенинг ўғлимисан?

— Ха.

— Мен Жаннетто Санпьероман. Оркамдан сарик ёкалар кувиб келяпти. Мени яшир. Юргани холим колмади.

— Сўрамасдан сени яширсам, отам нима дейди?

— Яхши килибсан дейди.

— Кайдам?

— Мени тезрок яшир. Улар бу ёкка келишяпти.

— Отам кайтгунча кутиб тур.

— Кутиб тур? Лаъанати-е! Улар беш минутдан кейин етиб келишади. Кани, бўл, мени тезрок яшир. Бўлмаса, ўлдираман!

Фортунато пинагини бузмай жавоб берди:

— Милтигинг ўкланмаган. *Carhera*^{бда} ўк тугабди.

— Ханжарим бор.

— Барибир менга етолмайсан.

У бир сакраб хавфсиз жойга чикиб олди.

— Йўк, сен Маттео Фальконенинг ўгли эмассан! Нахотки, уйингнинг олдига мени ушлаб олишса-ю, сен индамай тураверсанг?!

Бу, афтидан, болага таъсир килди шекилли:

— Сени яширсам, менга нима берасан? — деб сўради у якинлашиб.

Бандит белбогига илиб олган чарм халтасини титкилаб, ундан беш франклик танга чикарди. Бу пулни у порох сотиб олиш учун яшириб кўйган шекилли. Фортунато кумуш тангани кўриб жилмайди, уни кўлига олгач, Жаннеттога гапирди:

— Хеч нарсадан кўркма.

Бир зумда у уйинг ёнидаги пичан гарамини ўйиб, ковак ясади. Жаннетто гужанак бўлиб, унга кириб олди, бола ковакнинг огзига хаво кириб турадиган килиб пичан босди. Гарамга караган одам, унинг ичида биров яшириниб ётганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Бундан ташкари, бола ёввойи одамларга хос маккорлик билан яна бир тадбир ишлатди. У яқинда болалаган мушукни болалари билан олиб келиб, гарамга жойлаб

кўйди — гўё гарамга анчадан бери хеч ким кўл теккизмагандай бўлди. Кейин уй ёнидаги сўкмокда кон изларини кўриб, хафсала билан уларнинг устига тупрок сепди ва яна хеч нарса кўрмагандай офтобрўй жойга чўзилиб олди.

Бир неча минут ўтгач, сарик ёкали жигарранг форма кийган олтига ўкчи сержант бошчилигида Маттеонинг уйи олдида туришарди. Бу сержант Фальконега узок кариндош эди. (Маълумки, бошка жойларга караганда Корсикада кариндош-уругчиликка каттикрок риоя қилинади.) Унинг исми Теодор Гамба эди. У жуда фаол одам бўлиб, анча-мунча бандитларни кўлга туширган ва бандитлар ундан зир титрашарди.

— Яхшимисан, жиян! — деди у Фортунатога якинлашиб. — Анча катта бўлиб қолибсан-ку! Бу ердан яқинда хеч ким ўтмадими?

— Вой, амаки, мен хали сиздай бўлганим йўк-ку! — деб жавоб берди бола ўзини гўлликка солиб.

— Менга ҳам етиб оласан. Кани, айта кол: хеч ким ўтмадими?

— Бу ердан хеч ким ўтмадими, деяпсизми?

— Ха, узунчок духоба калпок кийган, курткасига кизил, сарик гул тикилган одам.

— Чўзинчок духоба калпок кийган, курткасига кизил, сарик гул тикилган?

— Ха, тезрок жавоб бер, саволларимни такрорламай.

— Бугун эрталаб уйимизнинг олдидан Пьеро деган отини миниб қашиш ўтди. У, отангинг ахволи қалай, деб сўради. Мен айтдимки...

— Ха, ярамас. Мугомбирлик қиляпсан-а! Кани, бўл, тез жавоб бер: Жаннетто қаерга қойиб бўлди? Биз уни қидириб юрибмиз. Имоним қомил, у шу сўкмокдан юрган.

— Мен қаёқдан билай?

— Қаёқдан билай? Лекин мен биламан — сен уни кўргансан.

— Ухлаб ётган бўлсам, ўтган-кетгани қандок кўраман?

— Ухлаганинг йўк, мугомбир! Ўк товушлари уйғотиб юборган.

— Амакижон, милтигингиз шунақа каттик варанглайди дейсизми? Отамнинг милтиги каттикрок гумбурлайди.

— Жин урсин сен лаънатини! Мен аминманки, сен Жаннеттони кўргансан. Балки уни яшириб ҳам қўйгандирсан. Йигитлар, уйга қиринг. Қочокни тузукрок қидириб кўринг. У зўрга оксоқланиб юрипти. Бу аблахнинг майиб оёқ билан макига етиб боролмаслигига акли етади. Кон излари ҳам шу ерга қелиб тамом бўлган.

— Отам нима деркин? — деб сўради Фортунато истехзо билан. — Йўғида уйимизга бостириб қиришганини билса, отам нима деркин?

— Муттахам! — деди Гамба унинг қулогидан чўзиб. — Истасам, бир зумда бошқача сайраб қолсан. Сенинг тилга қиришинг учун қиличнинг бети билан жиндай савалаш қеракка ўхшайди.

Фортунато эса истехзосини давом эттираве ради:

— Менинг отам — Маттео Фальконе! — деди у маънодор қилиб.

— Биласанми, шумтақа, истасам, сени Кортога ёки Бастиага олиб бориб, турмага тикиб қўяман. Қўл-оёгингга қишан уриб похолга ётқизаман-да, қаллангни оламан. Яхшиси, Жаннетто Санпьеронинг қайдалигини айт.

Бола бундай қулгили пўписани эшитиб, қах-қах уриб қулиб юборди. У ҳамон такрорларди:

— Менинг отам — Маттео Фальконе.

— Сержант! — деди қичираб вольтижерлардан бири. — Қелинг, қўйинг. Маттео билан

ўчакишиб нима киласиз?

Гамба ночор ахволда колди. У солдатлар билан шивир-шивир килиб алланимани гаплашди. Солдатлар бир зумда уйни титкилаб караб чикишди. Бунга кўп вақт кетгани йўқ. Чунки корсикаликнинг кулбаси битта чорбурчак хонадан иборат бўлади. Стол, курси, сандик, баъзи бир уй анжомию овчилик ускуналари — унинг бор-йўқ бисоти шу. Бу орада кичкина Фортунато мушукни силаб ўтирар ва вольтижерлар билан амакисининг довдираб қолишганидан ичида кулаётгандай эди.

Солдатлардан бири гарамнинг олдига борди. Мушукни кўриб, локайдлик билан пичанга найза санчди, сўнг барибир, бу беҳуда гап, дегандек елкасини кисди. Гарам ичида ҳеч нарса гимир этмади, боланинг чехрасида ҳам заррача ташвиш аломати сезилмади. Сержант ва унинг отряди борган сари бетокат бўла бошлади. Улар келган томонларига қайтиб кетишга чоғлангандек, сайхонликка нигоҳ ташлай бошлашди. Лекин бу орада уларнинг бошлиги Фальконенинг ўглига дўк-пўписалар заррача таъсир қилмаётганига қаноат ҳосил қилгач, яна бир бор уриниб кўришга, энди мулойимлик билан синаб кўришга аҳд қилди:

— Жиян! — деди у. — Сен ўзинг дуруст бола кўринасан. Мартабанг улуг бўлади. Лекин ҳозир бекорга ўжарлик қиляпсан. Агар биродарим Маттеони ранжитишдан кўркмаганимда сени олиб кетардим.

— Шунака денг!

— Хали Маттео келганда, ҳаммасини унга айтиб бераман. Ёлгон гапирганинг учун таъзирингни бериб кўяди.

— Кўрамиз...

— Ха, кўрасан... Менга кара: аклли бола бўлсанг, мен сенга бир нарса берардим.

— Мен бўлсам, амакижон, сизга маслаҳат бераман: агар сусткашлик қилсангиз, Жаннетто макига кириб кетади. Ундан кейин уни ушлаб олиш учун сиздақалардан яна анчаси керак бўлади.

Сержант киссасидан кумуш соатини чиқарди. У камида ўн экую турарди. Соатни кўриб, кичкина Фортунатонинг кўзлари ёнганини сезган сержант пўлат занжирнинг учидан ушлаб соатни осилтирганича гап бошлади:

— Хой, мугомбир! Кўкрагингга шунака соат осиб, Порто-Веккьо кўчаларидан товусдай гердайиб юринг келар-а? Ўтган-кетган сендан: «Соат неча?» деб сўрайди, сен эса: «Мана, ўзингиз кўра қолинг», деб соатни тутасан.

— Катта бўлганимда қапрал амаким менга соат совга қилади.

— Шундоғу, лекин амакинг ўглига ҳозирнинг ўзида соат олиб берган... Тўғри, у соат бунчалик чиройли эмас... Амакингнинг ўгли хали сендан кичкина...

Бола чуқур тин олди.

— Хўш, нима дейсан, соатни олгинг келяптими, жиян?

Соатга кўз кирини ташлаб турган Фортунато эгаси жўжани кўрсатиб эрмак қилаётган мушукнинг ахволига тушиб қолган эди. Мушук гашига тегишаётганини сезиб, жўжага чангал уришга ботинолмайди, вас-васдан қочиш учун ўқтин-ўқтин ундан кўз узади, дакика сайин тамшанади ва бутун киёфаси билан хўжайинга караб, «ҳазил ҳам шунака бешафкат бўладими?» деяётгандай бўлади.

Аммо сержант Гамба чиндан ҳам соатни унга совга қилмоқчи кўринади. Фортунато соатга караб кўл чўзмади-ю, лекин аччик алам аралаш гапирди:

— Нега мени мазах қиляпсиз?

— Худо ҳақки, мазах қилаётганим йўқ. Жаннеттонинг қаердалигини айтсанг, бас, соат —

сеники.

Фортуноато ишонкирамай жилмайди, унинг кора кўзлари еб кўйгудек бўлиб сержантнинг кўзларига кадалди. Бола унинг кўзларидан гапига ишонса бўлиш-бўлмаслигини укиб олмокчидай эди.

— Агар соат сеники бўлмаса, эполетимдан айрилай, — деб кичкирди сержант. — Мана, солдатлар гувоҳ бўлсин, мен сўзимдан кайтмайман.

Шу сўзларни айтар экан, у соатни Фортуноатога тобора якин олиб келар, соат боланинг ранги ўчган юзига тегай-тегай деб турарди. Боланинг калбида соатни олиш истаги билан меҳмондўстлик бурчи ўртасида жўш ураётган кураш унинг юзига ҳам тепган эди. У гўё хозир бўгилиб коладигандек, хансираб нафас оларди. Соат эса каршисида чайкалиб, занжирда айланиб, бурнининг учига тегай-тегай деб турибди. Нихоят, Фортуноато соатга журъатсизгина кўл чўзди, ўнг кўлининг бармоклари соатга тегди, мана сержант занжирни кўйиб юборган бўлмаса-да, соат боланинг кафтига кўнди... Мовий циферблат. Яраклаб турган копкок... Куёш нурига ёнаман дейди... Бундай ўлжадан воз кечиш амримахол эди.

Фортуноато чап кўлини кўтариб, бош бармоги билан елкаси оша ўзи суяниб турган пичан гарамига ишора килди. Сержант дарров тушунди. У занжирнинг учини кўйиб юборди. Фортуноато энди соат ўзиники бўлганига чиндан ишонди. У кийикдай чаккон сакраб турди-да, вольтижерлар тита бошлаган гарамдан ўн кадамча нарига югуриб борди. Пичан гимирлади ва гарам ичида конга беланган одам кўлида ханжар билан ўрмалаб чикиб келди. У ўрнидан турмокчи бўлди, лекин оёгидаги жарохати бунга имкон бермади. У йикилди. Сержант унга ташланиб, ханжарини тортиб олди. Роса каршилиқ кўрсатишига карамай, шу захоти унинг кўл-оёгини чандиб ташлашди. Кўл-оёги боглик, бир бог ўтиндай ерда ётар экан, Жаннетто олдига келган Фортуноатога юзини ўгирди-да:

— ... Ўгил эмиш! — деди. Унинг охангида газабдан кўра нафрат кучлироқ эди.

Бола ундан олган кумуш тангани кайтариб олдига ташлади — бу инъомни олишга хакки йўқлигига акли етди. Лекин жинояткор унинг бу ишига заррача ҳам эътибор бермади. У жуда босик охангда сержантга мурожаат килди:

— Мухтарам Гамба! Мен юролмайман. Мени шахаргача кўтариб борасизлар.

— Хозиргина эчкидай шаталок отиб югуриб юрувдинг-ку! — деди шафкатсиз голиб. — Майли, хотиржам бўл, кўлимга тушганингнинг хурсандчилигига ўзим сени бир миля жойга опичиб боришга тайёрману, лекин анча чарчаганман. Майли, ошна, сен учун шох-шабба билан плашингдан замбил ясаймиз. Кресполидаги хонадонлардан от оламиз. — Майли, — деди банди. — Лекин замбилга бир оз похол солинглар. Менга кулайроқ бўлсин.

Вольтижерлардан баъзилари каштан шохларидан замбил ясаётган, баъзилари Жаннеттонинг ярасини боғлаш билан банд бўлиб турган пайтда, макига олиб борадиган сўкмокнинг бурилишида тўсатдан Маттео билан хотини пайдо бўлди. Хотини каштан ёнгоклари солинган катта канорнинг огирлигидан эгилиб зўрга кадам босар, эри эса кўлида битта милтикдан бошка юки йўқ — енгил ва шахдам юриб келарди. Эркак кишига куролдан бошка юк номуносиб-да!

Солдатларни кўриб, Маттео аввалига, улар мени камагани келишган, деб ўйлади. Бундай фикр каёқдан келди? Нахотки, Маттеонинг ҳукуматга манзур бўлмайдиган бирон кирдикори бўлса? Йўқ, у яхши одам, деб ном чиқарган. У ўз аравасини тинчгина судраб юрадиган фукаролардан. Аммо у, айна чокда, корсикалик ҳам, тоглик ҳам эди.

Кайси бир корсикалик — тоглик ўз хотирасини тузукрок ковлаштириб кўрса, ўтмишда килиб кўйган бирон гунохини тополмайди? Бировни отиб кўйишми, чаваклар кетишми ёки шунга ўхшаш бирон майда гунохдан сокит одам борми? Маттеонинг виждони хамманикидан хам тоза эди, чунки, мана, ўн йил бўлди, одам боласига милтик ўкталгани йўк, лекин шундок бўлса-да, у сергакланиб, зарур бўлса, ўзини матонат билан химоя килишга чоғланди.

— Хотин! — деди у Жузеппага. — Юкингни кўйиб, тайёрланиб тур.

Хотини дархол унинг айтганини килди. Эри елкасида осиглик милтикни олиб унга узатди — у халакит бериши мумкин эди-да. Иккинчи милтикни ўкталганча, йўл бўйидаги дарахтларни паналаб, охиста уйига якинлаша бошлади. Солдатлар сал-пал калтис харакат киладиган бўлсалар, у дархол йўгон дарахт панасига яшириниб, у ердан отишиши мумкин эди. Жузеппа иккинчи милтик билан ўк халтани кўтариб, унинг изидан келарди. Яхши хотиннинг бурчи — жанг вақтида эрига милтик ўклар бериб туриш бўлади.

Маттеонинг милтик ўкталиб, тепкини босишга тайёр холда охиста якинлашиб келаётганини кўрган сержантнинг юрагига гулу тушди.

«Борди-ю, — деб хаёлидан ўтказди у, — Маттео Жаннеттонинг кариндошими, дўстими бўлса-ю, уни химоя килиб колса-чи? Унда бирдан икки киши унинг иккита ўкига учиши турган гап. Кариндошлигимизга карамай, менга ўк узса нима бўлади?»

Нихоят, у дадиллик билан бир фикрга келди — Маттеога пешвоз чикиб, хамма гапни кадрдон дўстига айтгандай, окизмай-томизмай айтиб беришга ахд килди. Маттеодан ажратиб турган кискагина масофа унга хаддан ташкари узундай кўринди.

— Ха, ошна! — деб кичкирди у. — Ахволинг калай, дўстим? Мен Гамбаман, кариндошинг! Маттео бир огиз сўз айтмай, жойида тўхтади. Сержант гапирар экан, у милтигининг огзини секин-аста юкорига кўтара бошлади. Сержант якинлашиб келганда унинг милтиги осмонга қараб турарди.

— Яхшимисан, биродар!8 — деди сержант кўришишга кўл чўзиб. — Учрашмаганимизга хам анча бўлди.

— Яхшимисан биродар!

— Мен йўл-йўлакай сен билан хам, синглим Пеппа билан хам кўришиб кетай деб келган эдим. Бугун жуда кўп юрдик, лекин овимиз бароридан келди. Ношукурчилик бўлмасин, чарчасак хам гўрга, хозиргина Жаннетто Санпьерони кўлга туширдик.

—Худога шукур! — деб нидо килди Жузеппа. — Ўтган хафта согин эчкиларни ўмариб кетган эди.

Унинг гапи Гамбани хурсанд килди.

— Бечора! — деди Маттео. — У оч эди!

— Бу аблах шердай олишди, — деб давом этди сержант бир оз энсаси котиб. — У менинг ўкчиларимдан бирини отиб ўлдирди, капрал Шардоннинг кўлини майиб килди. Майли, бунисига чидаса бўлади. Шардон француз... Кейин десанг, у шунака усталик билан яшириниб олибдики, уни алвасти хам тополмасди. Агар жияним Фортунато бўлмаса, мен уни икки дунёда хам тополмасдим.

— Фортунато? — деб кичкирди Маттео.

— Фортунато? — деб такрорлади Жузеппа.

— Ха, Жаннетто анави гарамнинг ичига яширинган экан. Жияним унинг хийласини айтиб берди. Мен буни капрал амакисига гапириб бераман. У жиянимни такдирлаб,

яхши совга юборади. Мен эсам прокурор номига ёзадиган ахборотимда сени хам, уни хам тилга оламан.

— Минг лаънат! — деди Маттео эшитилар-эшитилмас.

Улар отряднинг олдига келишди. Жаннетто замбилда ётарди. Солдатлар жўнаш тараддудида эдилар. Маттеони Гамбанинг ёнида кўриб Жаннетто галати бир истехзо билан кулди-да, кейин уй томонга юзини ўгириб, остонага тупурди.

— Соткиннинг уйи! — деди у ижирганиб.

Ўлимини бўйнига олган одамгина юрак ютиб, Фальконени соткин деб аташга журъат килиши мумкин эди. Ханжарнинг бир зарби билан бу хакоратга жавоб берса бўларди. Биргина зарби билан!

Аммо Маттео ногахоний кулфатдан синган одамдай муштини пешанасига тираганча донг котиб колди.

Фортуно отасини кўрибок уйга кириб кетган эди. Орадан кўп ўтмай, у бир коса сут кўтариб ичкаридан чикди ва ерга тикилиб туриб, уни Жаннеттога узатди.

— Йўкол кўзимдан! — дахшатли овоз билан хайкирди махбус.

Кейин вольтижерлардан бирига юзланиб, илтимос килди:

— Ошна! Менга сув бер.

Солдат унга сувлугини узатди. Бандит хозиргина ракиби бўлган одамнинг кўлидан сувлукни олиб, сувдан бир-икки култум хўплади. Сўнгра кўлини оркасига кайириб боғламасдан, кўкраги устига боғлашларини сўради.

— Кулайроқ ётишни маъкул кўраман, — деди у. Бир зумда унинг илтимосини бажо келтиришди, сўнг сержант кўзгалишга ишора бериб, Маттео билан хайрлашди, лекин ундан садо чикмагач, сайхонликка караб тез-тез юриб кетишди.

Орадан ўн минутча ўтди, Маттео эса хамон индамас эди. Бола хавотир ичида гоҳ онасига, гоҳ отасига термулиб караб кўярди. Отаси милтикка суянганча, босиб келаётган газабини тизгинлаёлмай, кахр билан ўглига тикиларди.

— Боглабсан! — деди ниҳоят Маттео хотиржам охангда. Аммо бу одамни билганлар хотиржамлик замиридаги кахр-газабдан вокиф эдилар.

— Ота! — деб кичкириб юборди бола. Унинг кўзларидан ёш тиркиради. У тиз чўкмокчи бўлгандай, олд томонга бир кадам кўйди.

Лекин Маттео бирдан хайкирди:

— Йўкол!

Бола хўнграб йиглаганча отасидан бир неча кадам нарида тошдек котиб туриб колди. Жузеппа уларга яқинлашди. У Фортунато кўйлагининг этагидан учи чикиб турган соат занжирини кўриб колди.

— Соатни ким берди сенга? — деб сўради у кахр билан.

— Сержант амаким.

Фальконе соатни юлкиб олди-да, жон-жаҳди билан тошга урди. Соат майда-майда бўлиб кетди.

— Хотин! — деди у. — Мендан бўлганми шу бола?

Жузеппанинг бугдой ранг чехраси гиштдан хам кизилрок тусга кирди.

— Эсингни йиг, Маттео! Кимга гапиряпсан бу гапни?

— Демак, бу бола бизнинг уругимиздан чиккан биринчи соткин экан.

Фортунонинг йигиси авж олди, Фальконе эса силовсинникига ўхшаш ўткир кўзини хамон ундан узмай турарди. Ниҳоят, у милтигининг кўндогини ерга бир урди-да, кейин уни елкасига олиб, Фортунатога, «оркамдан юр», деб буйрук берди ва макига йўл олди.

Бола итоат килди.

Жузеппа Маттеога ташланиб, кўлларига осилди:

— Ўз пуштикамарингдан бўлган зурриётинг-а! — деб кичкирди у титрок овозда. У кора кўзларини эрининг кўзларига тикиб, улардан эрининг калбида кечаётган гапни ўкиб олмокчидек эди.

— Бас кил! — деди Маттео. — Мен унинг отасиман!

Жузеппа ўглини ўпди ва йиглаганича уйга кириб кетди. У ичкарига кириши билан Биби Марямнинг сурати каршисига тиз чўкиб, сидкидилдан ибодат кила бошлади. Бу орада Фальконе сўкмок бўйлаб икки юз кадамча юрганидан кейин, чоғроккина чуқурга дуч келди. Кўндок билан ерни уриб кўриб, унинг юмшоклигига, ковлаш осон бўлишига ишонч хосил килди. Бу жой ниятини бажо келтириш учун кулай туюлди.

— Фортунато! Анави катта тошнинг олдига бор.

Унинг буйругини бажарган Фортунато тиз чўкди.

— Ибодат кил!

— Ота! Отажон! Ўлдирма мени!

— Ибодат кил! — газаб билан такрорлади Маттео.

Бола дудуклана-дудуклана, кўзида ёш билан иккита дуо ўкиди. Хар кайси дуонинг охирида отаси катъий охангда «омин» деб кўйди.

— Бошка дуони билмайсанми?

— Ота! Яна бир дуони биламан. Биби Марям хакида. Холам ўргатган эди.

— Жуда узун дуо... Майли. Ўки.

Бу дуони ўқир экан, бола овоз чикаришга хам мажоли колмади.

— Тугатдингми?

— Ота! Рахм кил! Мени кечир! Хеч қачон бунака килмайман! Жаннеттони афв килишини капрал амакимдан ялиниб сўрайман.

У яна нималардир деб гудурлади. Маттео милтикни кўтариб, мўлжалга олар экан, гапирди:

— Сени худонинг ўзи кечирсин!

Фортунато жон-жахди билан сапчиб турмокчи, отасининг оёқларига ўзини ташламокчи бўлди, лекин улгуролмади. Маттео ўк узди, бола жонсиз йикилди.

Маттео жасадга кайрилиб хам карамай, ўглига гўр казигани белкурак олиб келиш учун сўкмокдан уй томонга йўл олди. Бир неча кадам кўйиб улгурмай, у ўк овозидан хавотирланиб, югуриб келаётган Жузеппага дуч келди.

— Нима килиб кўйдинг? — деб кичкирди у.

— Адолат қарор топди!

— Кани у?

— Чуқурда. Мен уни хозир кўмаман. Имони ўзида кетди. Мен унинг хотирасига жаноза ўқиттираман. Куёвимиз Теодор Бьянкига айтиш керак, бизникига кўчиб келсин.

Озод Шарафиддинов таржимаси.

1. * Píone (автор изохи)
- 2.*Caporali — Илгариги вақтларда феодал сеньорларга қарши исён кўтарган Корсика коммуналари ўзлари сайлаб оладиган раҳнамоларини қапрал деб аташарди. Ҳозирги вақтда ўзининг молу мулки, ошна-огайнилари, миждозларининг кўплиги туфайли Píone, яъни кантонда катта обрўга эга бўлган, хатто кўп можароларга қозилик қиладиган одамни баъзан шундай деб аташади. Қадимий одатга кўра, корсикаликлар беш табақага бўлинади: дворянлар (уларнинг баъзилари magnifici, бошқалари — signori), caporali, граждандар, плебейлар ва келгиндилар. (Автор изохи).
- 3.* Вольтижерлар — ўкчилар отряди бўлиб, яқиндан бери ҳукумат жандармлар билан бирга полицияга ёрдам берсин учун бундай отрядларга одам ёлламоқда. (Автор изохи).
4. *Бандит — бу ўринда яшириниб юрган жиноятчи маъносида.
5. *Сарик ёкалар — У пайтларда вольтижерлар сарик ёкали жигарранг мундир кийишарди. (Автор изохи).
6. *Carhera — ўқдон ва халта ўрнини босувчи чарм белбоғ. (Автор изохи).
7. *Perche me c... (Автор изохи) — нега мени мазах қиляпсиз.
8. *Яхшимисан, биродар! — Buon giorno, fratello — корсикаликларнинг одатдаги салом-алиги (автор изохи).